



ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ

меҳнат муҳофазасини кучайтириш тарафдори бўлмоқда

Парламент куйи палатасининг мажлиси кун тартибига киритилган масалалар аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Депутатлар муҳокамасига «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонун лойиҳаси биринчи ўқиш учун тақдим этилди.

Мажлисида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар айнан инсон омилини кучайтиришга, унинг манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилган. Муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида давлат томонидан кўрилатган чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Амалдаги қонун қабул қилинганидан буён 22 йилдан зиёд вақт ўтди. Утган давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи, ушбу соҳада замонавий талабларни белгилувчи қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бундан мақсад қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш, ташкилотларда иш берувчининг ва ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини оширишдан иборатдир. Шунингдек, махсус ваколатли давлат органларининг, давлат бошқаруви бошқа органларининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли назоратни таъминлаш борасидаги вазифаларини белгиланган назарда тутилган.

Қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини такомиллаштиришга қаратилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги норматив база ўзгартирилди. Унда 20 дан зиёд чет эл, шу жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибаси инобатга олинди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги долзарб масалаларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Қонун лойиҳасида иш берувчининг ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Хотин-қизлар, вояга етмаганлар, пенсия ёшидаги шахслар, шунингдек, меҳнат қобилияти чекланган инсонларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоатчилик назоратининг механизми қайта кўриб чиқилган. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида касба уюшмаларининг ҳуқуқлари кенгайтирилган. Бу эса партиямизнинг Сайловолди дастури қоидаларига мувофиқдир. Биз ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ходимларнинг, хусусан, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган ходимларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтирилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқарилишидаги бахтсиз ҳодисаларнинг ҳамда касб касалликларининг олдини олиш ва уларнинг сонини камайтиришни ҳам назарда тутди.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмиталарга қонун лойиҳаларини депутатлар, мутахассислар ва экспертлардан келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати хабари асосида тайёрланди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Қонун устуворлигини таъминлаш —

демократик ислохотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили



Санжар ШОТЛУЛАГАНОВ олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ХАЛҚИМИЗГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИДА МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИДА БЕҚИЁС ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРАЁТГАНИ, ЮРТИМИЗ ТОБОРА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛИБ БОРАЁТГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ, 2015 ЙИЛ ҲАР ТОМОНЛАМА ХОСИЯТЛИ ВА ФАЙЗЛИ БЎЛГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ. ДАРҲАҚИҚАТ, БУНИ ЮРТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАКОМИЛЛАШАЁТГАНИ МИСОЛИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ЎРИНБОСАРИ, ЎЗБЕКISTОН ХДП ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ БИЛАН СУҲБАТДА БУНГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛДИК.

► Давоми 2-бетда.

БОЛАЛАР СПОРТИ

СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Қарши шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 1 минг 594 нафар спортчи қизга Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Президентимиз совғаси — спорт кийимлари топширилди.

Қарши олимпия захиралари коллежидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003-2015 йил-

ларда Қашқадарё вилоятида 190 замонавий спорт иншооти барпо этилиб, зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Яратилган қўлай шароит ва имкониятлар самарасида вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланувчи қизлар сони кўпаймоқда. Жумладан, 2011 йилда спорт билан мунтазам шуғулланувчи 6-18 ёшли қизлар 34,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 53,6 фоизга етди.

Қизлар ўртасида, айниқса, бадий гимнастика тез оммалашмоқда, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиали директори Сирожиiddин Азизов. — Спортнинг мазкур тури бугунги кунда 4 минг 500 га яқин қиз мунтазам шуғулланмоқда. Вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари Луиза Ганиева, Азизахон Мирзаева,



Шоҳсанам Нормунинова, Мубина Камолова, Дилмира Ашурова, Севинчбону Омонова, Мохинур Эшпўлатова қабилар мамлакатимиз миллий терма жамоаси таркибига қўллаб халқаро мусобақаларда юқори натижаларни кўлга киритди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилиб, 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 16 мингга яқин спортчи қизга Президент совғалари топширилди.


Ў. БАРОТОВ, ЎЗА мухбири.

Қамчиқ довонини кесиб ўтайдиган

19 километрлик

туннель қурилиши тугалланади. Фаргона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга туширилади.

2016 йилда



Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди

Тошкент вилоятидаги 11 ва 20-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабларида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Бу ҳақда Тошкент вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Унда Ватанимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ҳарбийлар иштирок этди. Улар Ватанга муҳаббат, юртга садоқат каби эзгу фазилатлар шаклланишида ҳарбий хизматнинг ўрни ҳақида гапириб беришди.

Ўқувчилар суҳбат давомида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбир якунида мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари томонидан кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Мурувват уйи янгидан бунёд этилди

Фаргона шаҳридаги Мурувват уйида 200 нафардан ортиқ имконияти чекланган болалар тарбияланади. Уларга 100 нафардан ортиқ тарбиячи ва энага хизмат кўрсатади. Яқинда Мурувват уйи капитал таъмирдан чиқарилди. Бу ҳақда «Фаргона ҳақиқати» газетаси хабар бермоқда.

Тулик таъмирланган Мурувват уйида қўшимча янги ўқув ва ётоқхона биноси, қишқи бассейн, кинозал, соғломлаштириш хоналари қурилди. Замонавий қиёфа касб этган масканнинг иситиш тизими ҳам янгиланиб, тежамкор қозонлар ўрнатилди. Кир ювиш хонаси, дам олиш жойлари янгидан бунёд этилди.

— Олиб борилган машқлар, руҳий қўллаб-қувватлаш туфайли болаларимизда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда, — дейди тарбиячи Одина Ҳайдарова. — Мурувват уйи тарбияланувчиси Шаҳина Навоий вилоятдан келганида тик тура олмасди. Вақт ўтиб, таяниб турадиган, аста-секин юралиган бўлди. Энди ходимларимиз унинг нутқини ўстириш ҳаракатида.

Сув канали таъмирланди

Булунгур тумани ҳудудидан ўтувчи «Янги беш» каналидаги сув тақсимлаш иншоотида таъмирлаш ишлари якунида. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси хабар бермоқда.

— Президентимизнинг 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қарорига асосан, умумий узунлиги 9 километр бўлган «Янги беш» каналининг 1 минг 500 метри бетонлаштирилди, сув тақсимлаш шохобчалари таъмирланди, — дейди мазкур канал участка бошлиғи Ўқтам Эшбўтаев. — Қарийб 600 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари «Самарқандмахсуссудвудренаж» масъулияти чекланган жамияти қурувчи-муҳандислари томонидан амалга оширилди. Ушбу канал 2600 гектардан ортиқ майдонга сув етказиб беради.

ЎЗХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 йилда ЎЗБЕКISTОН ХДП ТОМОНИДАН АҲОЛИ, ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ҲОЯЛАРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, ТАРАФДОРЛАРИМИЗНИ КЎПАЙТИРИШ, ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН 1534 ТАДБИРДА 114 МИНГГА ЯҚИН ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛИ ҚАМРАБ ОЛИНГАН.

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКISTОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ХАМДА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ПАРТИЯ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ ХАМДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА 800 ГА ЯҚИН СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

«ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК САРИ», «ҚИШЛОҚДА ҚИЗЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ УЧУН ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ — УЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИДИР» КАБИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

■ Сайловчилар мурожаатларининг 700 га яқини тегишли соҳалар мутасаддилари иштирокида учрашувлар вақтида ҳал этилди. 450 га яқин мурожаат маҳаллий давлат органларига, 70 га яқини эса тааллуқлилиги бўйича республика ташкилотларига юборилиб, назоратга олинди.



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

демократик ислохотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

— Ҳақиқатан ҳам, 2015 йил мамлакатимиз ҳаёти, тарақиётида ўзига хос юксалиш йили бўлди, — дейди Ҳ.Кетмонов. — Хусусан, парламентимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини эркинлаштириш, мамлакат тарақиётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда парламентнинг ўрни, аҳамияти ҳамда таъсир кучини янада ошириш, ҳуқуқий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳаётий муҳим масалаларда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди, янги демократик тартибқоидалар жорий этилди.

Партиямиз Сайловолди дастури, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўша мажлиси, шунингдек, 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиirlар Маҳкамаси мажлисида белгиланган устувор вазифалар фракциямиз фаолиятига асос бўлди.

Ўтган йил бошда парламент ва депутатлар олдига қўйилган вазифалар Ўзбекистон ХДП фракциясида ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганилди, парламентнинг дастури, шунингдек, фракциямизнинг 2015 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Маълумки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси ҳамда «Миллий тикланиш» Ўзбекистон демократик партияси парламентдаги кўпчилигини ташкил қилувчи Демократик кучлар блокига бирлашганлигини эълон қилди. Шунингдек, улар 2015 йил 23 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўша мажлисида Вазиirlар Маҳкамаси тақдим этган яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболдаги Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлашлари ҳақида баёнот берди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасига асосан ўзини парламент Қонунчилик палатасидаги Демократик кучлар блокига муҳолифат деб эълон қилди. Шунга мувофиқ тарзда фракциямиз мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, партиялараро баҳс-мунозараларни кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнида партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қонун лойиҳалари муҳокамасида фаол иштирок этиш, партиянинг Сайловолди дастури ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, тақлифлар билдиришдан иборат бўлди.

Хусусан, фракциямиз аъзолари иштирокида тайёрланган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бунга «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Сийсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Парламентда кенг муҳокамалардан сўнг қабул қилинган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (янги тахрирда) қонунларда фракциямиз томонидан билдирилган бир қатор принципиал тақлифлар ўз аксини топганини айтиш ўринлидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фракциямиз қўша мажлисида парламент олдига қўйилган вазифаларга мос равишда мамлакатимиз тарақиёти, аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ долзарб масалаларда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Фракциямиз ташаббуси билан ўтган йилнинг учинчи чорагида Қонунчилик палатасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Мазкур парламент эшитишда фракциямиз аъзолари ҳуқуқат томонидан касб-хунар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган қўшимча чора-тадбирларни ижобий баҳолаш

чуқур ўрганишда ҳамда уларни қонун ижодкорлиги жараёнида акс эттиришда сайловчилар билан учрашувларнинг аҳамияти жуда катта. Шу нуқтаи назардан қараганда, фракция аъзоларининг сайловчилар, электорат вакиллари билан учрашувлари натижалари ҳақида нима дея оласиз?

— Фракциямиз аъзолари қонунчиликка мувофиқ, 2015 йилнинг май ҳамда ноябрь ойларида сайловчилар билан 550 дан ортик учрашув, давра суҳбати ва турли семинарлар ўтказди. Мазкур тадбирларда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада парламентда қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлиқ маълумотлар берилди. Айрим қонун лойиҳалари соҳа мутахассислари, олимлар ва экспертлар иштирокида кўриб чиқилиб, кенг жамоатчиликнинг муносабати, фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Бу кейинчалик фракциямиз тақлифларини тайёрлаш ва

дан кўпроги пенсия, ижтимоий нафақа ва бандликка қўмақлашиш, 100 га яқини ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар ва ногиронлар манфаатлари, 100 дан ортики соғлиқни сақлаш, 300 дан кўпроги уй-жой, коммунал хизматлар, яна 300 га яқини эса суд-ҳуқуқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалаларига оид бўлди. Мурожаатларнинг 700 га яқини тегишли соҳалар мутасаддилари иштирокида учрашувлар вақтида ҳал этилди. 450 га яқин мурожаат маҳаллий давлат органларига, 70 га яқини эса тааллуқлилиги бўйича республика ташкилотларига юборилиб, назоратга олинди.

Мана шу мурожаатларнинг йўналиши, характери фракциямиз қандай ижтимоий масалалар бўйича парламент ва депутатлик назоратини кучайтириши кераклиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Кези келганда яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. Парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-тахлил йўналишларидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, айнақса, қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича парламент ҳамда жамоатчилик назоратини изчил

устуворлиги тамойили мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан парламентда қонунлар ҳар томонлама пишиқ ва пухта ишлаб чиқилишига, уларнинг ижроси бўйича парламент назорати кучайишига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, хусусан, Ўзбекистон ХДП фракцияси олдига қандай вазифалар турибди деб ўйлайсиз?

— Жамиятда қонун устуворлиги таъминланиши кўплаб омилларга боғлиқдир. Албатта, бунда қонунларни ҳар жиҳатдан сифатли ишлаб чиқиб, қабул қилиш муҳим ўрин тутди. Маърузада бу борада ечимини кутаётган муаммолар чуқур таҳлиллар асосида кўрсатиб берилди. Олий Мажлис, ҳуқуқат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш экани таъкидланди. Қонун ва механизмлар ҳаётда аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб бориши, ҳар бир субъект ўз ўрнини билиши ва ўз фаолиятида қонун талабларига асосланиши кераклиги уқтириб ўтилди.

Дарҳақиқат, қонун мукамал бўлса, ижроси изчил таъминлансагина халқимиз, давлат ва жамиятга фойдаси бўлади. Барчамизга аёнки, қонунни қабул қилиш билан иш битмайди. Уни ҳаётга татбиқ этиш муҳим масала ҳисобланади. Сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлар давомида қабул қилинган қонунларнинг ижроси юзасидан назорат олиб бординимизда айрим ижро ҳокимияти органлари, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари фаолиятида қонунни четлаб ўтиш ҳоллари кузатилаётганига ҳам гувоҳ бўлдим. Демак, раҳбар ва мутасаддилар орасида қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш, шу масалада тарғибот-тушунириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Келгусида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, уларга партия позициясидан келиб чиқиб муносабат билдиришда, тақлифларни шакллантиришда расмий, юзаки ёндашувдан қочишимиз, маърузада қўйилган масалаларга мос равишда фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Маърузада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қабул қилинган қонунлар ва улардаги талабларнинг сўзсиз бажариш юзасидан долзарб фикрлар илгари сурилди. Айнақса, қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг умумий принциплари ва механизмларини белгилаб қўйиш билан чегараланмаслиқ кераклиги алоҳида таъкидланди. Бу борада қонунларда ҳуқуқий нормаларни қандай вазиятда қандай қўллаш лозимлигини аниқ-равшан кўрсатиб бериш, қонун лойиҳалари фракциямизда муҳокама қилинаётганда шу масалага жиддий ёндашишимиз талаб этилади. Шунинг учун эндиликда қонун лойиҳалари бўйича фракциямиз томонидан билдириладиган ҳар бир тақлиф аниқ масалани ечимига хизмат қилишига эътибор берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш, қонунлар ижроси бўйича назоратни кучайтириш масалаларида парламент, хусусан, фракциямиз олдига жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Уларни бажариш учун сидқидилдан меҳнат қилишимиз зарур.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТўРАХОНОВ суҳбатлашди.



Парламентда кенг муҳокамалардан сўнг қабул қилинган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (янги тахрирда) қонунларда фракциямиз томонидан билдирилган бир қатор принципиал тақлифлар ўз аксини топганини айтиш ўринлидир.

билан бирга, дастурни амалга оширишнинг турли йўналишлари юзасидан бир қатор танқидий мулоҳазалар, тақлифлар ҳам билдириди. Жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланганлиги тўғрисида тақдим этилаётган маълумотлар билан ҳақиқий ҳолат ўртасидаги тафовутларни бар-тараф этиш чораларини кўриш, туман, шаҳар ҳокимликлари қосидаги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини бажариш юзасидан доимий ишловчи худудий комиссиялар фаолиятини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш, касб-хунар коллежларида мутахассисларни тайёрлаш меҳнат бозорининг реал талабларига мос келишини таъминлаш, бу жараёнларни мунтазам ўрганиб бориш, таҳлил қилиш масалаларида тақлифлар берилди.

Муҳим томони шундаки, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида ушбу тақлифлар инобатга олинди. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар фаолияти самарадорлигини кучайтириш чоралари белгиланди.

Партиямиз Сайловолди дастури ижроси билан боғлиқ бошқа долзарб масалаларда ҳам парламент назоратини кучайтириш, ҳуқуқат аъзоларининг ахборотини эшитиш-ни режалаштирмоқдамиз.

— Маълумки, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, сайловчиларнинг хоҳиш-истаклари ва талабларини

асослаб беришда муҳим ўрин тутди. Умуман, одамларда жамият миқёсида фикрлаш қўникмаси кучайиб, фуқаролик позицияси мустаҳкамланиб бораётгани сайловчилар билан учрашувлар самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Учрашувларда сайловчилар мамлакатимиз ҳаёти, келгуси тарақиётига дахлдор мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга, ўзларини ўйлантириб келаятган масалаларда кўплаб саволлар билан мурожаат қилишди. Хусусан, сайловчилар, электорат вакиллари 1 минг 400 га яқин савол ва мурожаатлари фракциямиз аъзолари эътиборига олинди. Уларнинг 400 дан ортики ижтимоий соҳа, 350 дан ортики фан, таълим, маданият ва спорт, 600

йўлга қўйиш долзарб вазифадир. Бу борада мавжуд механизмлардан самарали фойдаланишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Айни шу мақсадда Навоий, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ва бошқа худудларда партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига киритишда ҳуқуқни қўллаш амалиётига бағишланган депутатлар форумлари ўтказилди. Натижада фракциямиз аъзолари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари коммунал хизматларни ривожлантириш, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуришнинг кенгайтирилиши муносабати билан коммунал инфратузилмани ривожлантириш, шу орқали иш жойлари ташкил этиш билан боғлиқ ва бошқа масалаларни сессияларга киритишда ҳуқуқий ёрдам қўрсатди.

Бу амалиёт келгусида маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз таҳлил ва тақлифлари асосида электорат манфаатларига алоқадор масалаларни парламент муҳокамасига олиб чиқишимизда кўл келади.

— Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги жараёнини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор долзарб вазифаларни кўрсатиб берди. Жамиятда қонун

■ ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИНИ ТИНГЛАБ...

— Ҳаётда инсонга куч-қувват бағишлайдиган кўплаб воқеалар, жараёнлар бўлади. Уларни ҳар гал эслаганимизда руҳиятимиз, кўнглимиз кўтарилади. Мен Юртбошимизнинг нутқини, фикрларини тинглаганимда ўзимда шундай жўшқинликни, кучни сезаман.

Юлдуз Жуманиёзова,
Булунгур педагогика ва спорт коллежи директори,
ЎЗХДП аъзоси:

ЮРТ ШАЪНИНИ УЛУГЛАЙДИГАН ФАРЗАНДАРИМИЗ КЎПАЙСИН

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўлаган янги йил табригини қайта-қайта ўқир эканман, олдимизга қўйган мақсадларимиз нақадар улканлигини чин дилдан ҳис қилдим. Айнақса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашимиз тўғрисида яна бир бор гамхўрлик кўрсатилаётгани мени жуда хурсанд этди. Президентимизнинг таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак, деган сўзлардан тўлқинланиб кетдим. Бу сўзлар ҳаммадан кўра биз, педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди, деб ўйлайман.

Авваллари спорт билан шуғулланишга жиддий иш сифатида қаралмаслигини ёши улугларимиз яхши билишди. Ёшларимиз, айнақса, қизларимизни бу соҳага олиб кириш иложсиз ишдек кўринарди. Бугун эса, аввало, тафаккуримиз, дунёқарашимиз ўзгарди. Энди ота-оналар болаларини турли спорт тўғаракларига ўзлари олиб келишмоқда. Бугун ўғил-қизларимиз илм ва меҳнат билан ҳар қандай чўққиларни забт этиш мумкинлигини амалда исботлаб келмоқда. Бир ўйлаб кўрайлик, авваллари қизларимизнинг бадий гимнастика билан шуғулланишлари, халқаро мусобақаларда иштирок этиши қимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. Бугунги кунда бу спорт тури бошланғич таълим муассасалариданоқ ўргатилиб келинмоқда. Эски тузум даврида олий ўқув юртилардан чемпионлар етишиб чиқиши катта воқеа эди. Энди эса деярли ҳар бир коллежда Ўзбекистон, Осиё, жаҳон чемпионлари кўплаб топилади.

Масалан, бизнинг коллежда жами 14 спорт тўғарига фаолият юритмоқда. Уларда ўқувчиларимизнинг қарийб 80 фоиздан ортики доимий қатнашади. Ҳатто коллежимизда яқин худудлардаги маҳаллалар ва мактаблардан ҳам ёшлар келиб сафимизга қўшилмоқда.

Мен мусобақага кетаётган ҳар бир спортчига алоҳида эътибор қаратаман. Унинг мақсади, истаги, галабага бўлган иштиёқини англашга ҳаракат қиламан.

Албатта, бир спортчининг катта ютуққа эришиши қувонарли ҳол, аммо бунинг замирида ундан-да муҳим ва каттароқ омилни кўриш мумкин. Яъни биргина чемпион юзлаб, минглаб тенгдошларига ўрناق бўлади, уларда спортга иштиёқ уйғота олади. Ҳа шундай тенгдошларимиз, кўлаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб ўйлайман.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

■ Парламентдаги ўринлар учун асосан икки сиёсий куч — Испания социал ишчи партияси ва Халқ партияси кураш олиб боради.

ХАБАРЛАР

Соғлом фарзанд — юрт таянчи

Анджон вилоят адлия бошқармаси томонидан 2016 йил — Соғлом она ва бола йилида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва унинг ҳуқуқий асослари, бу борада адлия идораларининг вазибаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Бу ҳақда Анджон вилоят адлия бошқармаси расмий сайти хабар бермоқда.

Тадбирда олимлар, вилоят адлия бошқармаси марказий аппарати ходимлари, туман (шаҳар) давлат нотариал идораси нотариуслари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари мудири ва ҳамда инспекторлари иштирок этди.

Анджонда вилоят адлия бошқармаси бошлиги Иброҳим Турғунов сўзга чиқиб, 2016 йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинганлиги яна бир бор ҳар бир инсон бахт-саодатини, аввало, оиласини доимли, ҳар қимнинг ҳаётга кириб бориши, аввало, уларнинг муҳити ва олган тарбиясига бевосита боғлиқлигини таъкидлади.

Мазкур тадбир Анджон давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Дизайн тарихи»

электрон дарслиги яратилди

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олимлари томонидан «Дизайн тарихи» номли электрон дарслик яратилди. Мазкур дарслик дизайн таълим йўналишлари, хусусан, либос дизайнини таълим йўналиши бакалаврлари учун мўлжалланган. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Унда келтирилган маълумотлар дизайннинг вужудга келиши, шаклланиши бошқачарлиги, бугунги кундаги кўринишлари ва истиқболлари, шунингдек, дизайннинг ижтимоий, ахлоқий-фалсафий томонларини ёритишга қаратилган. Дарслик талабалар биланини тест асосида баҳолаш, мавзуларга оид расмий қўлланмалар билан таъиниши, фанга оид тақдиротлар, бошқа адабиётлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Шунингдек, ушбу электрон дарслик архитектура, веб-дизайн, ландшафт, темир йўл ва автомобилсозликка оид маълумотларни ўзидан мўҳассам этган.

Муаллифлар — Дилноза Зупарова, Нозима Каримова ва Нурмухаммад Нурсаидовга ушбу дарслик учун № DGU 03393 рақамли гувоҳнома берилди.

Испания: Ҳукумат қандай ва қачон шаклланади?

Испания дунёдаги ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатдаги демократик жараёнларда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутаяди. Испания парламенти икки палатали бўлиб, юқори палата — Сенат ва қуйи палата — Конгрессдан иборат. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, парламентдаги ўринлар учун асосан икки сиёсий куч — Испания социал ишчи партияси ва Халқ партияси кураш олиб боради. Аммо 2015 йил 20 декабрь кунини мамлакат парламентида бўлиб ўтган сайлов натижалари қўйилганидан ҳам кескин ўтди.

Аввало, Испаниядаги сайлов тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, ўзига хос жиҳатларни кўриш мумкин. Мисол учун, Конгресс 350 депутатдан иборат бўлиб, улар умумхалқ овоз бериш йўли билан пропорционал тизим асосида сайланади. Мазкур палата қонун лойиҳаларини қўриб чиқади, бюджетни муҳокама қилади. Сенат эса уларни тасдиқлайди. Конгрессда 19 қўйма фаолият юрятади. Қуйи палатада тузилган сиёсий партия фракцияси камида 15 депутатдан иборат бўлиши керак.

Энди бевосита сайлов натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, бир неча сайловлардан бери етакчилик қилиб келаётган Халқ партияси яна бир қарра голиб чиқди. Улар сайловчиларнинг 28,72 фоиз овозини тўлаб, Конгрессда 123 ўринга эга бўлди. Иккинчи натижани социал партия қўлга киритди. Улар 90 депутатлик ўрни билан қифоиланди.

Учинчи ўринни социалистларга асосий рақобатчи бўлган Podemos партияси қўлга киритди. Мазкур партия 69 депутатлик ўрнига эга бўлди. Эътиборга молик томони шундаки, ушбу сиёсий партия бир неча ўн йиллар давомида ҳукмронлик қилган икки партияга муносиб қаршилик кўрсатди.

Унг марказчилар ҳисобланган «Фуқаро» партияси 40

депутатлик ўринини эгаллади. Сайловда голиб чиққан Халқ партияси Европадаги энг йирик партиялардан бири ҳисобланади. Ҳозирда унинг 700 мингдан ортқ аъзоси бор. 2011 йилда ўтказилган сайловларда ҳам мутлақ кўпчилик — 186 депутатлик ўринини қўлга киритган эди. Бугунги кунда Европарламентда партиянинг 16 нафар депутати фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатнинг ҳар бир ҳудудда партиянинг органи фаолият юрятади. Унинг олий органи Миллий Кенгаш ҳисобланади.

Социал-демократия голяри тарафдорлари бўлган Испания социал ишчи партияси 1879 йилда ташкил этилган. Мазкур партия 1999-2004 йиллардаги парламент сайловларида галаба қозониб, етакчи мавқега эга бўлган. Шундан сўнг социал партия вакиллари инсон иқтисоди натижани қайт этмоқда.

Умуман олганда, мамлакатда ўтказилган мазкур муҳим сиёсий тадбирда фуқаролар юқори фаоллик кўрсатишди. Бу рақамларда ҳам ўз ифодасини топди. Сайловда 2011 йилга нисбатан 4 фоиз кўп — яъни 73,2 фоиз сайловчи иштирок этди.

Маълумот учун, Испанияда 36,5 миллион киши овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг 2 миллионга яқини ҳорижда истиқомат қилади. Шунинг асосида олиб, ҳорижий мамлакатларда 23 мингга яқин



сайлов участкаси ташкил этилди. Сайловда биринчи бор овоз берганлар эса, 1,6 миллионни ташкил этди. Испанияда қарийб 30 йил, яъни 1982 йилдан буён Халқ партияси ҳамда Испания социалистик ишчи партияси навбат-навбат ҳукуматни шакллантириб келган. Кейинги йилларда Фуқаролар ҳамда Podemos — «Биз уздайимиз» партияси асосий рақобатчи га айланди. Бу галги сайловда 13 сиёсий партия ҳамда бирлашмалар ўз номзодлари билан иштирок этди.

Сайловдан сўнг сиёсий партия етакчилари берган интервьюда эндиликда икки партияли тизимга барҳам берилиши ва бу мамлакат бошқаруви тарихида янги бурилиш айнаси таъкидлаган. Боиси, охириги сайлов натижалари Халқ партияси тарихида кузатилмаган. Эндиликда бу партия олдида мураккаб вазият турибди. У ҳукуматни шакллантириш учун ўзидан партиялардан бири билан қўнунчиликда белгиланган 30 кун ичида коалиция тузиши за-

рур. Акс ҳолда, ҳукуматни қўлдан бой бериши ва қайта сайлов ўтказилиши мумкин. Айна пайтда ҳар бир сиёсий партия ҳолат юзасидан ўз қарашларини турлича баён қилмоқда. Халқ партияси раҳбари, собиқ Бош вазир Мариано Рахой сайловдан галла голиб партия ҳукуматни бошқариши керак, деган ташаббус билан чиққан эди. Лекин ҳеч бир партия ҳукуматни шакллантириш масаласида Халқ партияси билан муросага келмаяпти.

Мутахассислар ва қўзғувчилар фикрича, ўнг ва чап коалицияни шакллантириш бирдек мураккабликлар туғдиради. Чунки социалистлар ва Podemos қўлдан буён рақобатлашиб келади. Уларнинг Сайловолди дастурлари ҳам бир-биридан анча фарқ қилади. Яна бир томони, уларнинг коалиция буйича муроса қилиши ҳам парламентдаги мутлақ кўпчилик ўринини эгаллаш имконини бермайди.

Экспертларнинг хулосасига қараганда, яна бир усул ҳам бор. Бу — «Катта коалиция» тузиш. Яъни Халқ партияси ва социалистлар ўзаро келиши-

ши вазиятни юмшатиши мумкин. Бироқ ушбу партия етакчилари бу ҳақда бирор аниқ фикр айтганича йўқ. Сабаби, бу икки партиянинг дастури, мамлакатни тараққий эттириш голяри бир-биридан анча йироқ. Шунинг учун ҳукуматни шакллантириш, хусусан, вазирилларга ўз вакилларини қўйиш масаласида икки йирик партия бир-бирига ён бергиси келмаяпти. Хуллас, шу кунга қадар ҳукумат бошқаруви буйича испанияликларни ўйлантираётган саволга аниқлик киритилмади.

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, бугунги кунда бутун дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз, мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли ривожланган давлатлар, уларда фаолият юротаётган сиёсий партиялар олдида жуда муҳим вазифалар турибди. Сиёсий партиялар буни қай даражада адо этиши кўп жиҳатдан мамлакатнинг эртанги тақдирини белгилаб беради.

Нурали ОРИПОВ,
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА.



БОШҚАРУВ

фикр орқали амалга оширилади

Бугунги кунда ривожланган давлатларда ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобиллар синовдан ўтказилмоқда. Бироқ Хитойнинг Нанькай университетида фаолият юротаётган бир гуруҳ олимлар «Great Wall» компанияси билан ҳамкорликда яратган янги турдаги автомобиль ҳайдовчисиз автомобиллардан фарқли ўлароқ мия импульслари ёрдамида бошқарилади. Бу ҳақда «TechInsider» нашри хабар тарқатди.



Портал маълумотларига қараганда, ҳайдовчи бош мия импульслари ёрдамида машинани ҳаракатга келтириши, тўхташи, эшикларни қўлфлаши ёки очилиши мумкин.

Бошқарув инсон бош мияси импульсларини ўқиб, аниқроқ айтганда, инсон фикрини «ўқиб», уни транспорт воситасига узатувчи ускуна ёрдамида амалга оширилади. Лойиҳа муаллифларидан бири Чжан Чжаонинг гапларига қараганда, бу ускунада 16 датчик бўлиб, улар ҳайдовчининг электрон-цефалограммасини ўқий олади.

АЛОҚАЛАР

қайта тикланмоқда

АҚШ билан Куба ўртасида ярим асрдан ортқ вақтдан бери «музлаб» ётган дипломатик муносабатлар изга туша бошлади. Яқинда икки мамлакат тижорат авиопарвозларини йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.



Маълумки, АҚШ билан Куба ўртасида ўзаро муносабатлар тикланиши юзасидан 2014 йил 17 декабрда АҚШ Президенти Барак Обама ахборот берган эди. Шундан сўнг, яъни 2015 йилнинг 20 июлида икки мамлакат пойтахт шаҳарларида дипломатия ваколатхоналари иш бошлади. Кузда эса АҚШ маъмурияти узок йиллар амалда бўлган савдо эмбаргосини юмшатиш ва янги савдо қоидаларини ишлаб чиқишга киришди. 2015 йилнинг 11 декабрида 1963 йилда узилган тўғридан-тўғри почта алоқасини тиклаш юзасидан ҳам келишиб олинди.

Эслатиб ўтамиз: 1959 йили Куба инқилоби амалга оширилган, АҚШ мазкур мамлакатга савдо эмбаргосини жорий этган, 1961 йилдан эса дипломатик алоқаларини бутунлай узган.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Чилонзор туман кенгаши раиси Рашид Мухиддиновга отаси Раҳмат МУХИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Миллийбанк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2015 йилда 3213 тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 1 миллиард 45 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспортта жўнатилди.

Жумладан, ташқи бозорларни ўрганишда 2804, хориждан ишончли ҳамкор топишда 90, халқаро кўргазмаларда иштирок этиш, сертификатлар олиш ва боғжона расмийлаштиришда 203, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш ва маълумотларини ташқи савдо айланмасининг ягона тизимига киритишда 116 тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди. Шу билан биргаликда 27 ишлаб чиқариш корхонасида халқаро ISO стандартлари талабларига асосан сифат бошқаруви тизимлари жорий этилди.

Жамғармининг молиявий кўмагида 192 кичик бизнес субъектларининг «Савдо-туризм роуд шоу», «Текстиль-легпром — 2015», Умумхитой озиқ-овқат маҳсулотлари, «Turkmen Construction — 2015», «FoodEx Japan — 2015» каби халқаро кўргазмаларда иштирок этиши таъминланди. Натижада 135 миллион АҚШ долларини миқдориди экспорт келишувларига эришилди.

Хорижий ҳамкорларни республикамизга тақлиф этиш орқали Россия, Латвия, Литва ва бошқа давлатларнинг ишбилармон доиралари ҳамда савдо мажмуалари вакиллари билан музокаралар ўтказилди. Натижада 346 миллион АҚШ долларини миқдориди экспорт келишувлари имзоланди ва шундан 56 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотлар хорижга жўнатилди.

Жамғарма томонидан Тошкентда Латвия транспорт-логистика компанияларининг мамлакатимиз экспорт юкла-

рига хизмат кўрсатиш имкониятларига бағишланган давра суҳбати ташкилланганлиги ва самарали логистика тизимини ташкил этиш тақдирда ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Латвия, Қозғистон, Россия, Беларусь ва бошқа давлатларнинг импортчи компаниялари иштирокида «Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари этиштириши ривожлантириш ва экспортини ошириш» мавзусида конференция ўтказилди.

Шунингдек, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида Латвия, Қозғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг савдо мажмуалари, корхоналари вакиллари иштирокида «Маҳаллий маҳсулотлар экспорти ва унда логистика тизимларининг ўрни» мавзусидаги учрашувлар доирасида 304 миллион АҚШ долларини экспорт келишувлари имзоланди.

Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг асортиментини ва турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардорлиқ даражасини аниқлаш, бунинг асосида экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган маркетинг илашлари олиб борилмоқда. Маркетинг тадқиқотлари натижалари жамғармининг расмий сайтида мунтазам равишда жойлаштириб келинмоқда.

Жамғарма расмий сайтига ўтган йили 109 мамлакатдан 6296 фойдала-

нувчи 8114 марта қилган ва 18477 сифат билан танишиб чиқиб, ўзига зарур маълумотларни олган.

Айтиш керакки, ушбу маркетинг илашларига кўра, хомашёни қайта ишлаш ҳисобига янги турдаги инновацион экспорт маҳсулотларга жаҳон бозорларида талаб кундан-кунга ошмоқда. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳаларни татбиқ қилиш, ресурслардан оқилонга фойдаланган ҳолда юқори қўшилган қийматли, янги турдаги экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни хорижий бозорларга етказиш мақсадида ўтган йилнинг май-декабрь ойларида Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардорлигини ошириш ва жаҳон бозорларида мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион лойиҳалар кўриқ танловини ўтказди. Мазкур танловда озиқ-овқат, кимё, текстиль, қурилиш материаллари, машинасозлик ва электротехника саноти каби 5 йўналишда иштирок этган энг яхши истиқболли лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилиш мақсадида Жамғарма томонидан жами 230 миллион сўмлик грант маблағлари ажратилди.

Мисол учун, Тошкент кимё технология институтини томонидан тақдим этилган таркибининг кислоталиги мейёрлаштирилган табиий анор шарбати ва концентрантини ишлаб чиқариш технологияси диққатга сазовор бўлди. Жумладан, мазкур технология ёрдамида нордон анордан биринчи марта кислоталиги мейёрий даражадаги табиий анор шарбати олишга эришилган. Гап шундаки, нордон анорда кислота миқдори юқорилик боис, меванинг шарбати фақат нархи қиммат бўлган ши-

рин анордан олинади. Европа, Форс кўрфеизи, МДХ ва бошқа давлатларда табиий анор шарбати талаб юқори ва унинг 1 литри 15-20 АҚШ доллари қийматида сотилади.

Қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажми ҳамда географиясини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларининг экспортида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Жамғарма «Ўзмилийбанк» ҳамда фермер ҳўжаликлари билан ҳамкорликда республиканинг боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган барча туманларида янги агрофирмалар ташкил этилмоқда. Мазкур агрофирмалар йирик импортчилар ва хорижий савдо мажмуаларининг талабидан келиб чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги агрофирмалар ташкил этилди. Мазкур агрофирмалар йирик импортчилар ва хорижий савдо мажмуаларининг талабидан келиб чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги агрофирмалар ташкил этилди. Мазкур агрофирмалар йирик импортчилар ва хорижий савдо мажмуаларининг талабидан келиб чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги агрофирмалар ташкил этилди.

Кичик бизнес субъектларини экспорт фаолиятига кенг жалб қилиш, тадбиркорларни мамлакатимизда яратилган қулай шарт-шароитлар билан таъиништириш мақсадида республикамизнинг барча туманларида учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, Жамғарма ходимлари ўтган йили 3715 корхонада бўлиб, шундан экспортга лаёқатли 320 ишлаб чиқариш корхонасини аниқлади. Улардан тижорат тақлифлари олинди. Натижада 11 корхона томонидан 13,6 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

ХАБАРЛАР

Жорий йилда Уильям Шекспир ҳаётдан қўз юмганига 400 йил тўлади. Шу муносабат билан юртимизда «Шекспир барҳаёт» кампанияси ўтказилган бўлди. Бу ҳақда Британиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

«Шекспир барҳаёт» кампанияси бошланди

Мазкур кампания ташкилотчилари 2016 йил 5 январдан бошлаб бутун йил давомида барчани Уильям Шекспир ҳаёти ва адабий меросини ўрганишга чақиради. «Шекспир барҳаёт» дастури доирасида бир қатор тадбирлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бу кампания Британия кенгаши ва Great Britain компанияси томонидан олиб борилди. Дастур доирасида театрларда аввал сахналаштирилмаган пьесаларни томоша қилишнинг, шунингдек, кўргазмалар, семинар ва дебатларда иштирок этиши мумкин.

Болаларга гамхўрлик

«Sog'lom avlod uchun» hukumatta qarashi бўлмаган халқаро хайрия фонди ногирон, боқувчисини йўқотган етим болалар, васийликка олинган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига гамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрия тадбирларини амалга оширмоқда.

8 январь кuni пойтахтимиздаги 22 ва 23-Меҳрибонлик уйларида 50 нафар тарбияланувчиси учун Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳат уюштирилди. Шунингдек таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти болаларни бориш-келиш чипталари билан бепул таъминлади.

Марҳаматда маданият ва дам олиш маркази очилди

Янги йилни марҳаматликлар ўзгача шухуҳ билан кутиб олди. Байрам арафасида «Шодидеъна» маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати маълумот бермоқда.

Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Хурсандбек Султонов ушбу мухташам бинонинг капитал таъмирланишида сидқидилдан меҳнат қилган барча қувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Шундан сўнг, бинонинг рамзий калити туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Манзурахон Шариповага топширилди.

Мазкур марказнинг томоша залида туман бадий ҳаваскорлари, «Еш оҳанглар» эстрада гуруҳи ҳаваскорлари ҳамда бир қатор таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Бола математика фанига қанча эрта қизиқса, бу унинг ўқишига ижобий таъсир кўрсатади.

«МАТЕМАТИКАСИЗ ҲАЁТИМИЗНИ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН»



Ушбу оғлан сураётган.

Болаларда интеллектуал салоҳиятнинг ошиши ҳамда фикрлаш қобилияти шаклланиши учун аввалмбор уларни математика фанига қизиқтириш зарур. Бу ҳақиқатни олимлар кўп бора таъкидлаган. Бола математика фанига қанча эрта қизиқса, бу унинг ўқишига ижобий таъсир кўрсатади.

Математикани соддалаштириш, уни ўрганишнинг осон йўллари излаб топиш мақсадида 6-8 январь кунлари Тошкент шаҳридаги Инха университетида «Ажойиб математика» (Touch Much) фестивали бўлиб ўтди.

Математикасииз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин, — дейди Инха университети проректори Турдимурод Турсунмуродов. — Ёшларимиз қайси касбни эгаллашидан қатъи назар математикага оид маълум билимлардан хабардор бўлиши керак. Айниқса, ахборот технологиялари соҳасида математиканинг ўрни катта. Университетимизда ўтказилган фестивалда математикага визуал нуктаи назардан ёндашган ҳолда, махсус дастурлар асосида дарслар ўтилди.

Мамлакатимиздаги мактаб, лицей ва коллежларнинг математика ўқитувчилари ўртасида онлайн тарзда танлов ўтказдик. Унинг шартларига кўра, ўқитувчилар университет томонидан тақдим қилинган вазибаларни инглиз тилида бажаришлари керак эди. Бундан кўзлаган асосий мақсад инглиз тилида дарс ўта оладиган ўқитувчиларнинг энг истеъдодлиларини Жанубий Кореянинг нуфузли университетларида магистратура ва докторантурада ўқишига ёрдамлаштириш.

Танловда юқори ўринларни эгаллаган ўқитувчилар қимматбах совғалар билан тақдирланди. Фестивалнинг фахрий меҳмони, Жанубий Кореянинг Инха университети профессори Хун Чанг гиперкуб ва кундалик ҳаётимиздаги математика тўғрисида маърузалар ўқиди.

Баъзи одамларга математика зерикарли фандек туюлиши мумкин, — дейди профессор Парк Женам. — Мазкур фести-

вал бу фикр нотўғри эканлигини ва математика улар ўйлаганидан кўра қизиқарли эканини кўрсатди. Фестивалда иштирок этаётган болаларга математика бўйича турли саволлар берилди. Тўғри жавоб топганлар рағбатлантирилди. Бу каби савол-жавоблар 3 кун давомида кунига 3 мартадан ташкил этилди.

«Ажойиб математика» фестивали Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳридаги Инха университети 2-курс талабаси Нодирбек Холиқулов. — Биз фестивалда қўллаган янги методларимиз математикани ҳеч қандак формулаларсиз ўрганишга қаратилган.

Қаршидан отам ва опам билан ушбу фестивалга келдим, — дейди Одил Дилмуродов. — Математика фанига қизиқаман. Фестиваль менга жуда ёқди, унда турли биналарни қуриш лойиҳалари билан танишдим. Кўплай қизиқарли математик ўйинлар ўйнадик, шаклар ясадик. Бу ерга келиб, математиканинг қизиқарли фан эканлигига яна бир бор ишондим. Ҳозир 5-синфда ўқийман мактабни битиргач, Инха университети-га кирмоқчиман.

Ўғлим Шохруҳни математикага қизиқтириш учун ушбу фестивалга олиб келдим, — дейди Галиба Бердиев. — Бу каби тадбирлар ўқувчилар учун жуда ҳам зарур.

Фестиваль сўнггида иштирокчиларга Инха университети қошида очилган курслар ва уларда ўқиш тартиби ҳақида маълумот берилди.

Шахбоз САИДОВ



ШОГИРДЛАР УСТОЗЛАР ҲАҚИДА

Ота-она ва устоз — ҳар биримиз учун азиз. Ота-онамиз бизни дунёга келтирган бўлса, устозимиз ҳаётни, яшашни ўргатади. Оёққа туриб олганимизча бизни ҳимоя қиладиган, жамиятда ўз ўрнимизни топишимизга ёрдам берадиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган инсон устоз бўлади. Бир сўз билан айтганда, устоз учун шогирдлар ўз фарзандидек қадри ва азиздир.

«ФАҚАТ ОЛДИНГА ИНТИЛ»

Кимгаки, шундай устоз дуч келган бўлса, билим-ки, у дунёдаги энг бахтли инсондир.

Ўзбек миллий таомларини бутун дунёга таништиришда, Ўзбекистон ошпазлари уюшмаси ассоциациясининг шаклланишига катта ҳисса қўшган, бутун умрини ушбу соҳа ривожига бағишлаган профессор Тожи Худайшукоров ана шундай устозлардан бири эди.

Устозимиз бир умр Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини фаолият кўрсатди. Масъул вазибаларда ишлади. У киши умрининг охиригача институтнинг хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш кафедрасининг профессори лавозимини давомлатди. У ўзининг ярим асрлик педагогик фаолияти давомида кўплай шогирдлар тайёрлади.

Устоз Тожи Худайшукоров ноанъанавий хомашёлардан озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш технологияси, сўт махсулотларининг сифатини ошириш, кучсиз уннинг технологик хоссаларини яхшилаш, миллий таомлар технологиясини қайта тиклаш каби йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борди.

Олимнинг 150 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлари, жумладан, олий ўқув юрти талабалари учун 4 дарслик, 8 ўқув қўлланма, 5 илмий-оммабоп китоб ва рисола, таомлар рецепту-



раси бўйича 2 тўплам, 70 илмий мақоласи чоп этилган.

Устоз нафақат олим, балки яхши инсон эди. Камтарин, ўта талабчан ва изланувчан, қаттиққўл, шу билан бирга биз, шогирдларига жуда меҳрибон эди. Оиламиз, ишимиз, муаммоларимиздан хабардор бўлиб, ёрдам кўрсатарди.

Биз устоз билан бир кафедрани ёнма-ён ишлаш бахтига муваффақ бўлдик. У кишидан нафақат илм-фан сирларини балки, одамийлик сабақларини ҳам ўргандик. Давраларда, илмий анжуманларда фахр билан у кишининг шогирди эканлигимизни айтмаиз. Устознинг «Фақат олдинга интил» деган ўғити бизни тинимсиз изланишга ундайди.

Изатулла ШУКУРОВ, Шухрат МАХСУМОВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ўқитувчилари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-1. Сурхондарё вилояти, Денов тумани Рашидов кўчасида узунлиги 0,990 км бўлган тизимли ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 204,599 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 170,499 млн.сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 1-2. Сурхондарё вилояти, Денов тумани Рашидов кўчасида узунлиги 1,607 км бўлган ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 174,124 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 145,103 млн.сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 1-3. Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Мустанқиллик кўчасида узунлиги 1,214 км бўлган ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 276,146 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 230,121 млн.сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 1-4. Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Рамазон кўчасида узунлиги 1,2 км бўлган Ф300 сув тармоқларини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 482,916 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 402,430 млн.сўм, қурилиш муддати — 150 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти

ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел. (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида фақат «Қурилиш — пудрат ташкилотлари реестри»-га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рўхсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларнинг ёки қўрастиб ўтилган маблағларни беришга банк қароланомаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг маъжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳужужий лавкат ва ваколатларга эга, таърибли ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш

жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитек» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 236-А уй, телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кўндан бошлаб 30 кўндан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-А уйда ўтказилади.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

 ZAZ	 ZAZ Forza Дв.: 109 л.с. Бензин / Газ	 Бензин / Газ
 LADA	 Нива бизнес-пикап, 4X4 Дв.: 80.92 л.с. - Бензин / Газ	 Бензин / Газ
 GAZ	 Бензин / Газ	 Бензин / Газ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 110-уй.
 Мўлжал: Телевизион минора қаршида.
 Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:

ЎЗБЕКISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUHIDDIN	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

-Sharq- nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi.
 Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
 «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
 17392
 t — Tijorat materiallari nuxxada bosildi.
 Topshirilgan vaqti — 21.30

Nashr ko'rsatkichi — 220
 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 20.20
 Topshirilgan vaqti — 21.30

Sotuvda kellehligon narsada

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5 6